# ХАЛҚПАРВАР, ЮРТПАРВАР, ФИДОЙИ ИНСОНЛАР – ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРДИР!




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 ноябр чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 232 (2270)





САЙЛОВДА ФАОЛЛИК – АСЛ ВАТАНПАРВАРЛИКДИР

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Сайловолди жараёнини ўрганиш мақсадида мамлакатимизга келган элчи Мадлен Вилкинс бошчилигидаги Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлдилар. Учрашувда мазкур комиссия раиси Н.Комилов билан делегация аъзолари ўртасида сайловлар жараёнига доир масалалар хусусида суҳбат бўлиб ўтди.

Учрашув сўнггида халқаро ташкилот вакилларининг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**





Косон ёғ-экстракция очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳар бир соҳада тежамкорликка катта эътибор бермоқда. Ҳозир жамиятда бир кеча-кундузда 700 тонна атрофида чигит қайта ишланяпти. Цехларнинг сифатли таъмирдан чиқарилгани, янги замонавий технология қўлланилаётгани ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш қўшимча цехларининг ишга туширилиши олинаётган соф фойда миқдорини оширяпти.

Айтиш керакки, жамиятда шу пайтгача корбониддан фойдаланилмас эди. Жорий йилдан бошлаб чигит кунжарасига корбонид билан ишлов берила бошланди. Бу эса кунжара таркибидаги барча заҳарли моддаларнинг йўқотилишига олиб келди. Биргина шу усулдан фойдаланиш жамиятга 11 миллион 506 минг сўм соф фойда келтирди. Янги технология асосида иш юритилиши натижасида ўн ой мобайнида ўтган йилги шу муддатга нисбатан 293 тонна қимматбаҳо экстробензин тежалди ва 12 миллион 824 минг сўм соф фойда олинди.

**СУРАТЛАРДА: Косон ёғ-экстракция, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти цехи кўриниши; хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи навбатчи технологи Руҳиддин Арабов иш устида.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

23 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Венгриянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Энрё Кешкен ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия элчисини масъулиятли ва шарафли лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, унга элчилик фаолиятида муваффақият тилади.

— Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида азалий яқинлик бор, — деди Ислом Каримов ўзаро суҳбат чоғида. — Бу муштаракликни айниқса урф-одатларимизда кўриш мумкин. Венгрларнинг қадимий аждодлари — хунларнинг ватани Туронзамин ҳисобланади.

Президент тарихий илдизлари туташ бўлган икки халқ ўртасида бугун ҳам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Энрё Кешкен самимий табрик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини янада ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшажаклигини таъкидлади.

* * *

Президент Ислом Каримовга Ирландиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Дэвид Донохью ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ирландия билан Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётир. Мулоқот чоғида Юртбошимиз ва Дэвид Донохью икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида фикр алмашди.

— Ўзбекистон Ирландияга алоҳида ҳурмат билан қарайди, — деди Президентимиз. — Ирландия билан Ўзбекистон орасида масофа узоқ бўлса-да, ўзаро туташ нуқталар талайгина. Яъни, кўпгина ҳаво йўлларимиз Ирландия орқали ўтишини таъкидлаш жоиз. Ўйлайманки, ўзаро шериклик бундан кейин янада ривожланади.

Ирландия элчиси қабул ва самимий тилаклар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитрий Рюриковдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари Дмитрий Рюриковни янги лавозим билан табриклар экан, Ўзбекистон — Россия муносабатлари негизида дўстлик, биродарлик ва тенглик тамойилларига асосланган ўзаро ҳамкорлик ётганини таъкидлади. Суҳбат чоғида ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томон учун бирдек манфаатли экани қайд этилди.

Ўз навбатида Россия элчиси ҳам Ислом Каримовга миннатдорлик сўзларини айтар экан, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш учун имкон борича ўз ҳиссасини қўшишини билдирди.

**(ЎзА)**

## ОЙДИН КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

**Биринчи мақола**

### 1. Ким эдик, ким бўлдик!

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий мозийга қайтиб иш кўрмак хайрлидир, дейди. Кеча биз ким эдик, бугун ким бўлдик? Саксонинчи йилларда бутун бир халқни ўғри, муттаҳамга чиқаришгани, «ўзбеклар иши» деган айблов, «қама-қама»лар ёдингиздадир? Аскарликка кетган йигитларнинг «темир тобут»да келганлари-чи?

Фарғона воқеалари-чи?

Бугун саксон ёшга тўлган қизилтепалик кекса ўқитувчи Худойназар Жумаев ўтмиш ҳақида гап кетса, ота-онасига эргашиб Сибир сургунларида бўлгани, чеккан азоб-уқубатлари ҳақида ҳасрат қилади. «Ота-онамнинг қулоқ қилиниши келтирган ситам яқин-яқингача хонадонимизни тарк этган эмас! — дейди у. — Оллоҳга шукр, истиқлолга чиққач, эмин-эркин яшаш нима, англадик. Тўйлар, хурсандчиликлар умримизга умр қўшмоқда!».

Ҳа, кечмиш ситамлари ҳеч кимнинг хотирасидан ўчгани йўқ. Зеро, бу ёруғ кунлар осонликча қўлга киритилган эмас! Қанча қурбонлар берилган...

Кеча биз ким эдик? Бугун ким бўлдик?

Истиқлолдан кейин ўтган йилларга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу давр маънавий, руҳий юксалиш, қуриш, яратиш даври бўлганлигини идрок этамиз. Буни ҳаётнинг, ўзгаришларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

### 2. Бу йўллар кўп қадим йўллар...

Тарихчилар «Буюк ипак йўли» Работи Маликдан ўтганлигига гувоҳлик беришади. Бу манзилда соҳибқирон Амир Темур нафас ростлаган, сўнг ғанимга ҳамла қилиб, тутдай тўккан.

Бежиз биз гапни тарих каби қадим йўллардан бошламадик. Чунки кишининг кўнгли тилаган манзилга олиб борувчи йўлдир. Шунинг учун ҳам боболар «йўл қурмоқнинг, кўприк солмоқнинг савоби бекиёс», деб айтишади.

Истиқлол йилларида Навоий вилоятида янги йўллар қуриш, эски йўлларни замонавий талаб даражасида кенгайтириш, таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Фақат шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 1366,6 километр йўл кенгайтирилди ва таъмирланди, 25,2 километр янги йўл барпо этилди. Истиқлол даврида эса жами 53,2 километр янги йўл қурилди, 4601,2 километр йўл эса замонавий талаб даражасига келтирилди.

Бугун сиз Қизилтепада, Навоий ва Зарафшон, Нурота шаҳарларида бўлсангиз, кўчалар кенгайтирилиб, йўлни иҳоталовчи айиргичлар қўйилганлигини, йўл ўртаси кўркам гулзорга айлантирилганлигини, йўлнинг икки тарафида эса манзарали дарахт ниҳоллари киприкдек тизилиб турганлигининг шоҳиди бўласиз. Кўзингиз қувонади.

Инсон нима учун яшайди? Ҳаётнинг маъноси нима?

Ҳар бир одам ўзимдан бир из қолдирсам, болаларим яхши одам бўлса, уларнинг бахтини кўрсам, ёққан чироғим ўчмаса, дейди.

Фарзанднинг бахти эса, уйдан бошланади.

Файзли оиладан фариштали инсонлар етишиб чиқади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган сессиясида Йўлбошчимиз Ислом Каримов Навоий тумани кўчаларини ободонлаштириш, маҳаллаларга файз киритиш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Куюниб илгари сурилган бу фикр навоийликларни лоқайд қолдирмади. Улар енг шимариб ишга киришди. Бугун ана шу кўчалардан ўтган одамнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилади. Кенг, равон йўл. Йўл четида, бетон ариқ, ариқ бўйида гулзор учун жой ҳозирланмоқда. Ундан нарида эса, пиёдалар учун кўркам йўлак ётқизилмоқда.

Тарихий Кармана номини тиклаш, Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш, тумандаги осори атиқаларни асраб-авайлаш ҳақидаги Президент Фармони карманаликларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди.

Йўлчи Садриддин Ибодовнинг айтишича, ҳозир Кармананинг марказий кўчалари қайтадан «тартибга келтирилмоқда». Йўллар «тушурилмоқда».

**(Давоми 2-бетда).**

## САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

***Сайлов бюллетени сайлов кампаниясидаги энг асосий ҳужжат бўлиб, сайлов бюллетенларини тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиб бериш сайловга тайёргарлик кўришдаги энг масъулиятли ва муҳим ишлардан биридир.***

***Шу муносабат билан нималарга эътибор бермоқ керак?***

Маълумки, Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг шаклини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига доир сайлов бюллетенлари шаклини эса тегишли ҳудудий сайлов комиссияси тасдиқлайди. Сайлов бюллетенларининг матни тегишли округ сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, сайлов бюллетенига ушбу округ бўйича рўйхатга олинган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, уларнинг туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

Сайлов бюллетенларининг босиладиган нусхаси сонини сайловчилар сонига қараб белгилаш, шунингдек, озгина заҳирага эга бўлиш тавсия этилади. Лекин сайлов бюллетенларининг умумий сони сайлов округи бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас.

Сайлов комиссиялари бюллетенлар нашр этиладиган босмахонани олдиндан аниқлаб қўйишлари, буюртмалар беришлари, бунинг учун керакли миқдорда қоғоз билан таъминлаш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш масалаларини ҳал этишлари ҳамда сайлов бюллетенлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши устидан назорат ўрнатишлари лозим.

Бюллетенда хато қилиб қўйилиши ёки унга номзод тўғрисидаги маълумотлар нотўғри киритилиши эҳтимолини, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонунда назарда тутилган такрорий овоз бериш эҳтимолини ҳам эътиборга олиб, заҳирада озроқ қоғоз сақлаб туришни ҳам назарда тутмоқ даркор.

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан округ сайлов комиссиялари таъминлайди. Шуни унутмаслик лозимки, сайлов бюллетенлари сайлов участкаларига кечи билан сайловга уч кун қолганида, яъни 2 декабрга қадар етказиб берилиши зарур. Сайлов бюллетенлари участка комиссияларига қатъий ҳисоб асосида санаб берилади.

Округ комиссиялари ҳудудий сайлов комиссиялари билан биргаликда бюллетенларни участка сайлов комиссияларига етказиб бериш тартибини сайлов участкаларининг олислиги, алоқа, транспорт воситалари бор-йўқлигини, шунингдек, бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан ишлаб чиқиши лозим. Бюллетенларнинг берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар муҳр билан тасдиқланади. Шуни ёддан чиқармаслик жоизки, сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Сайлов куни участка сайлов комиссиясининг раиси сайлов бюллетенларини сайлов комиссияси аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Сайлов участкасида бюллетенларни сақлаш участка сайлов комиссиясининг зиммасига юкланади. Сайлов бюллетенлари ёпиб муҳрлаб қўйиладиган сейфларда ва ёнмайдиган сандиқларда (шкафларда) сақланмоғи лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг Назорат-ахборот бўлими.**

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири — республикамиз корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш ва пировард натижада мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга қаратилгандир. Зеро, экспорт ҳар қандай давлат иқтисодида бош устунлардан бири ҳисобланади. Бу ўринда маҳсулот, ускуна ва технологиялар экспортининг самарали механизмларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон экспорт имкониятларининг ортишидан Ғарбдаги йирик иқтисодий давлатлар, шу жумладан Германия ҳам манфаатдор. У ерда катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакат билангина самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкинлигини яхши тушунишади. Айнан шу боис, Германия техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган асосий лойиҳалардан бири "Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш" деб номланади.

ГТЦ Ўзбекистонда Республика Вазирлар Маҳкамаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳукуматимиз томонидан устувор деб ҳисобланган соҳаларда ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ҳозир унинг бундай лойиҳалари сони 19 тага етди ва бештаси муваффақиятли якунланди. Улар бошланғич касб-ҳунар таълими, қишлоқ хўжалиги ресурсларини асраш, оилани режалаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга, ўқув банкини ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган валюта ва қимматли қоғозлар биржаларини ривожлантириш, Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмаларни каталоглаштиришга кўмаклашиш, Давлат божхона қўмитаси, Олий хўжалик судига консультациялар беришдан, аудит соҳасидаги консультациялардан иборат лойиҳалардир.

Куни кеча Тошкентда ГТЦ ҳамда Германия Тикланиш кредит банки (KfW)нинг янги офиси иш бошлади. Унинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Германия ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари мазкур ташкилотлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга ҳисса қўшишини таъкидладилар.

Маросимда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл иштирок этди.

**Б. УСМОНОВ, ЎзА мухбири.**

**Ижтимоий бурч**

## Номзодга овоз берганда

***сайланажак депутатларимиз орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқимиз масъулиятини эсдан чиқармайлик***

Сайловлар яқинлашган сари ҳар куни фуқароларимиз матбуот, телевидение орқали "ҳалол, адолатли, фидойи, халқни ўйлайдиган" номзодлар учун овоз беришларини тобора кўпроқ таъкидламоқдалар. Бундай фазилатли инсонлар, албатта, фидойи, халқпарвар бўлади. Депутат учун бу хислатлар етарлимикан? Эртага ўша "ҳалол, адолатли, фидойи, халқни ўйлайдиган номзод"нинг депутат бўлгач, мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётига оид қонунларни қабул қилишдек масъулиятли вазифани бажаришга ақл-идроки, тафаккури етмаса-чи?

"Ҳалол бўлмоқ учун кўнгил мурувватига доно ақлни ҳам уйғунлаштирмоқ даркор. Кимдаки табиатнинг бу икки инъоми бирга қўшилган экан, у ҳамиша ижтимоий манфаат чироғини ўзига раҳнамо деб билади". Виждон эркинлиги тарафдори бўлган француз файласуфи Гельвецийнинг бу теран сўзлари айнан ҳозир, бизга қарата айтилганга ўхшайди.

Биз сайловчилар, баъзан номзодлар ҳам, Парламентнинг энг асосий вазифасини унутмасак ҳам, урғуни бошқа томонга бераётганга ўхшаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 76-моддасида ***"Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади"*** дейилган. Жорий йилнинг 5 декабр куни давлатимизнинг қонун чиқарувчи органига ўз вакилларимизни сайлаймиз. Демак, бизнинг Парламентдаги вакилимиз қайси қўмитада, қандай масалалар бўйича фаолият кўрсатишини, бунинг учун унинг интеллектуал салоҳияти, касб маҳорати, тафаккури, малакаси қандай даражада эканлигини билмай туриб овоз беришимиз ўзимизнинг эртанги кунимизни ўйламай кўр-кўрона ташлаган қадамимиз бўлади. Албатта, ўз номзодини депутатликка қўйган шахс ёки маълум номзодни тавсия этган партия, ташкилотлар сайловда "ютиб чиқиш"га интилади. Шунинг учун ҳозирги даврнинг бу сиёсий масаласи ҳар бир сайловчининг инсонийлик ва фуқаролик бурчини қандай тушунишии, виждон амри билан иш кўрмоғига боғлиқдир.

Ўтган йилларда "Энг илғор теримчи", "Илғор сут соғувчи", "Илғор механизатор"... ларни сайлаганлигимизни бугун хижолат билан эслаймиз ҳам. Аммо ҳали-ҳануз "Депутат сифатида қишлоққа газ келтириб берадиган, магазин қуриб берадиган, фалон муаммони ечиб берадиган..." номзодлар ҳам учраб турибди. Бу эса ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурлари номзоднинг ваъдаларисиз ҳам кун тартибида турганлиги, бу соҳада масъул бошқарув органлари, ҳокимликлар фаолият кўрсатаётганлигидан бехабар бўлган айрим кишиларнигина чалғитиши мумкин.

Турли касбдаги, ёшдаги фаол кишиларнинг номзодлари кўрсатилди. Мазкур жараёнда аввалги сайловларга қараганда кўпроқ тадбиркорларнинг вакиллик органларига интилаётганлигини ижобий баҳолаш керак. Лекин уларнинг барчаси ҳам мамлакат келажаги, халқ фаровонлигини таъминлаб берувчи юзлаб ҳужжатларни тайёрлаш даражасидаги иқтисодий билим ва кўникмаларга эгами? Парламент бу — улуғ даргоҳ. Бу даргоҳда халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган қонунларни яратишга қодир юксак маънавиятли тафаккур соҳиблари мажлис қурадилар.

Сайловлар ҳозир кўпгина бошқа мамлакатларда ҳам бўлиб ўтмоқда, ҳокимият вакиллик органларида кўпроқ овозга эга бўлиш учун демократик сайловларга зид бўлган хатти-ҳаракатларни матбуотдан эшитиб турибмиз. Яқинда Россия Либерал демократик партияси томонидан красноярсклик бир тадбиркор Давлат думаси депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган эди. Энди эса ўша номзоднинг катта миқдордаги халқ бойлигини ўғирлаганлиги маълум бўлиб қолди. Номзодга депутатлик ўрни "депутатлик дахлсизлиги" учун керак бўлганлиги бугун очиқ таъкидланмоқда. Шу маънода, бизда ҳам "дахлсизлик" ваколатига эга бўлиш учун югураётганлар йўқмикан, деган мантиқий савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 88-моддасида ***"Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас"*** дейилган.

Бу масалада номзодни тавсия этаётган партия ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтирувчи механизмларни ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда. Токи бирорта шахс ўз қилмишларининг жазосидан қочиб, халқни қалқон қилишга ботинмасин.

Олий Мажлис сессияси, қўмиталарнинг йиғилишлари Давлат тили — ўзбек тилида олиб борилади ва унда Ўзбекистон тараққиётига мос, миллий хусусиятларимизга хос бўлган қонунлар қабул қилинади. Миллий тафаккурнинг маҳсули бўлган қонунлар эса ҳаётий бўлади. Олимларимизнинг таъкидлашича миллий тафаккур, энг аввало, она тили асосида шаклланар экан, она тилини унутган кишининг руҳи ҳам ўзгарар экан. Қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокамасида иштирок этадиган, қабул қилинишида овоз берадиган шахс унинг содда, лўнда тилда ифодаланишига эришмоғи керак. Зеро, уни энг оддий одамлар ҳам ёдда тутадиган бўлсин. Айрим номзодларимиз мустақиллигимизнинг тўққизинчи йилида ҳам фикрини, дастурини ўз она тилида баён этишга ожизлик қилаётгани ҳолда, ватанпарварлик ҳақидаги баландпарвоз гапларнинг таъсири қанчалик?

Янги давлатчилик асосларини шакллантириш жараёнида бизда кўплаб қонунлар қабул қилинди. Бу табиий. Ўтиш даври хусусиятлари шуни тақозо қилади. Қонунлар, шубҳасиз Парламентда кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Аммо жамият тарихидан маълумки, ижро этилиши қийин бўлган ва тез-тез ўзгариб турадиган ҳаддан ташқари кўп қонунларнинг мавжуд бўлиши ҳам маълум маънода ҳокимиятсизликдан нишонадир. Бизнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятимизда қонунлар пухта ишланган, аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиши керак, ана шунда унинг ижроси ҳам аниқ ва тўкис бўлади. Демак, Парламентга жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётини ривожлантиришга қаратилган қонунларни қабул қилишга қодир бўлган теран фикрли инсонларни — тафаккур соҳибларини, соҳаларнинг етук мутахассисларини сайлашга масъулмиз. Шундай йўл тутсак, биз Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сифатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзимизнинг ишончли вакилларимиз орқали иштирок этиш ҳуқуқини суиистеъмол қилмаган бўламиз.

**Норқозоқ ҚУВВАТОВ.**

